

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ГИЯЗОВ ОТАБЕК МУХИТДИНОВИЧ**

**ШПУРЛАРДА САҚЛОВЧИ ТИҚИННИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ЕР ОСТИ  
КОН ЛАҲИМЛАРИНИ ЎТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ  
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Навоий – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
of technical sciences**

**Гиязов Отабек Мухитдинович**

Шпурларда сақловчи тиқинни қўллаган ҳолда ер ости кон лаҳимларини ўтиш  
самарадорлигини оширишни илмий асослаш.....3

**Гиязов Отабек Мухитдинович**

Научное обоснование повышения эффективности проходки подземных  
горных выработок путем использования запирающей забойки в шпурах.....21

**Giyazov Otabek Mukhitdinovich**

Scientific substantiation of increasing the efficiency of driving underground  
mine workings through the use of locking stemming in boreholes .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ГИЯЗОВ ОТАБЕК МУХИТДИНОВИЧ**

**ШПУРЛАРДА САҚЛОВЧИ ТИҚИННИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ЕР ОСТИ  
КОН ЛАҲИМЛАРИНИ ЎТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ  
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Навоий – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.3.PhD/T2364 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ndki.uz](http://www.ndki.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мислибаев Илхом Туйчибаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аликулов Шухрат Шарофович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Хасанов Обид Абдуллаевич**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Миллий технологик тадқиқотлар университети**  
**«МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали**

Диссертация химояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.T.06.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 12 март соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилик институтининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz)).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (85 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2022 йил 25 феврал куни тарқатилди.

(2022 йил 25 февралдаги 42 рақамли реестр баённомаси)



*[Handwritten signature]*

**Б.Р. Раимжанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси в.в.б, т.ф.д., профессор

*[Handwritten signature]*

**Ш.Ш. Заиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., профессор

*[Handwritten signature]*

**Н.А. Абдуазизов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жахонда кўмир ва маъдан конларида олиб борилаётган ишларнинг аксарияти бурғилаш-портлатиш ишлари орқали амалга оширилиб келинмоқда. Кон ишларини олиб бориш амалиётида тоғ жинсларни майдалашнинг деярли ягона усули шпур ва скважина зарядларини портлатиш усули ҳисобланади ва бу ишларни олиб бориш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилиши зарур. Портлатиш ишларни олиб боришда тикинлардан фойдаланиш портлашнинг ҳолати ва самарадорлигига олиб келувчи омил бўлиб ҳисобланади. Натижада фойдали иш коэффициенти, тоғ жинсларининг уюми, майдаланишнинг бир хиллиги, ер ости кон лахимларининг атмосферасига чиқадиган зарарли газлар ва чанг миқдорига таъсир қилишига боғлиқ тикиннинг материални танлаш ва рационал параметрларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда бугунги кунда портлатиш жараёнларининг назарий, тажриба ва амалий тадқиқотлари кон массасини майдаловчи портлаш энергиясининг физикасидан фойдаланиш, портловчи моддалар (ПМ) зарядларини портлатишда полимер материаллардан тайёрланган тикинларни детонация маҳсулотларига қаршилигини ишлаб чиқиш, тикин билан бошқариладиган майдалаш ва тоғ жинслари массивини майдаланиш зоналарини, тикин материалларини ҳисобга олган ҳолда, бурғилаб портлатиш ишлари ўлчамларини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш, ПМ зарядларини маҳкамловчи тикин конструкциясини ишлаб чиқиш ва тикин материалларнинг ўлчамларини танлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, тоғ жинсларни майдалашда портлатиладиган муҳитни портлаш ҳаракати механизми орқали детонация маҳсулотларининг статик босими билан зарбали ва ҳаво-зарбали тўлқинларининг майдаланилаётган тоғ массивига таъсирини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда кон корхоналарида портлатиш ишларини олиб боришда, самарадорликни ошириш ва энергия сарфини камайтиришнинг инновацион технологияларини жорий этиш бўйича илғор илмий чоратадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун инвестицияларни жалб қилиш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш ва кон-металлургия саноатидаги йирик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кон ишлари самарадорлигини ошириш ва ер ости кон лахимларини ўтиш харажатларини камайтириш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларга мўлжалланган, ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, диверсификациялашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бурғилаш портлатиш ишлари (БПИ) ва тиқинларни самарали турларини аниқлаб уларни такомиллаштириш назарияси ва амалиётини ривожлантиришга Э.О. Миндели, В.Н. Мосинец, Г.И. Покровский, Ю.В. Тарасенко, В.А. Асонов, Ф.А. Баум, Т.П. Демидж, М.Ф. Друкованый, Б.Н. Кутузов, А.К. Кирсанов, Ю.Д. Норов, И.Т. Мислибаев, З.С. Назаров, А.Б. Тухташев ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар томонидан ер ости кон лахимларини ўтишда БПИ паспорти самарадорлигини ошириш бўйича ижобий натижаларга эришилган.

Бироқ, портловчи моддалар (ПМ) зарядларини портлатиш натижасида тоғ жинсларини самарали майдаланишига шпур тиқинларини таъсир этиши бўйича шу вақтга қадар чуқурроқ ўрганишлар (изланишлар) олиб борилмаган. Шунинг билан бирга, турли тиқинлар билан уни қаршилик қилишни ҳисобга олган ҳолда кон массивини деформацияланиш жараёнини ва детонация маҳсулотини чиқиб кетиши жараёнини ўрганиш зарур бўлади. Бу билан боғлиқ равишда портлатиш ишларида тоғ жинсларини сифатли майдаланишини таъминлаб берувчи тиқинларнинг турли хил турлари ва тиқинларни принципиал янги турларини ишлаб чиқиш билан шпур ичидаги босимни ўзгариши, тадқиқот ишлар давомида қонуниятларини ўрганиш зарурлиги юзага келди. Бу ҳолатда шпурлардан фойдаланиш коэффицентини ошириш, тоғ жинсларини майдаланиш ва парчаланиш сифатини таъминлаш кон корхоналари амалиётининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланиб, унинг ечими тоғ-кон саноати учун муҳим бўлиб, ушбу йўналишда кейинги тадқиқотларни талаб қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот режасининг №2-2018 «Каракутан конини ер ости кон лахимларини ўтишда шпурлардан фойдаланиш коэффицентини ошириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** бурғилаб портлатиш ишларининг самарадорлигини ошириш учун ер ости кон лахимларини ўтишда портлатиш ишларини ташкил этиш усуллари, полимер материаллардан маҳкамловчи тиқинни конструкциясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тоғ жинсларини ер ости усулида шпурларда портловчи моддалар зарядларини портлатишда тиқинлашнинг аҳамиятини таҳлил қилиш;

портловчи моддаларнинг солиштирма сарфи ва тоғ жинсларини майдаланиши зоналарини ўрнатиш устиворлигига асосланган методикаларини ва бурғилаш портлатиш ишлари (БПИ) параметрларини ҳисоблаш самарадорлигини ўрганиш;

АБС-пластик асосида маҳкамловчи тиқинни қўллаш билан шпурли зарядлар ёрдамида портлатишда детонация маҳсулотлари босимини ўзгариш характерини назарий асослаш;

портловчи моддалар шпурли зарядларини портлатишда полимер материаллардан тайёрланган тиқинларни детонация маҳсулотларига қаршилигини ишлаб чиқиш;

полимер материаллардан тайёрланган тиқин билан бошқариладиган майдалаш ва тоғ жинслари массивини майдаланиш зоналарини, тиқин материалларини ҳисобга олган ҳолда, бурғилаб портлатиш ишлари ўлчамларини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш;

шпурлардаги ПМ зарядларини маҳкамловчи тиқин конструкциясини ишлаб чиқиш ва тиқин материалларнинг ўлчамларини танлаш, портлатиш ишларини олиб бориш усуллари ишлаб чиқиш ва полимер материаллардан тайёрланган тиқинни маҳкамлаш таъсирини лаборатория шароитида тадқиқ қилишни ишлаб чиқиш;

тажриба амалиёти шароитида синаш ва саноатга жорий этиш полимер материаллардан тайёрланган маҳкамловчи тиқинни портлатиш ишларини ташкил этиш усулини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бурғилаб портлатиш усули ёрдамида ер ости кон лахимларини ўтишда қўлланиладиган портловчи моддаларнинг шпурли зарядлари конструкцияси олинган.

**Тадқиқот предмети**ни портловчи моддаларнинг шпурли зарядларининг тиқин материаллари ва кон лахимларини ўтишда бурғилаб портлатиш ишлари ўлчамларини ҳисоблаш методикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ер ости кон ишларида бурғилаб портлатиш ишларининг ривожланишини замонавий тенденциясининг назарий ва экспериментал таҳлили, лаборатория ва саноат шароитида экспериментал тадқиқотлар, детонация маҳсулотларининг чиқиб кетишига тиқиннинг қаршилигини моделлаштириш бўйича тадқиқотларнинг умумлашган усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

полимер материаллардан тайёрланган тиқиндан фойдаланишда босим ўзгаришини ҳисоблашнинг математик модели ишлаб чиқилган ва детонация маҳсулотлари ва кучланиш тўлқини таъсирида тиқиннинг ҳаракатсиз ҳолдан

чиқариш вақтининг, тиқинни шпур бўйлаб ҳаракати вақти ва детонация маҳсулотларини эркин ҳаракатланиш вақти давомийлиги аниқланган;

тиқин узунлигини ва шпурда детонация маҳсулотларини чиқиб кетиш таъсири вақтини ошириш имконини берувчи полимер материалдан тайёрланган тиқиннинг сирпаниш ишқаланиш коэффициентини тиқин кенгайишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

турли материалли тиқинларни қўллаган ҳолда, портлатилган бўшлиқдаги босим ва детонация маҳсулотларининг эркин оқими вақти ўртасидаги боғлиқликни ҳисоблаш учун алоқадорлиги аниқланган;

полимер материаллардан тайёрланган тиқиндан фойдаланишда бурғилаб портлатиш ишлари ўлчамларини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

тоғ жинсларини майдалашда портлашнинг поршенли таъсирини самарали ишини ва шпурли зарядда кучланиш майдонини таъминлаш билан детонация маҳсулотларининг самарали таъсирини оширишни таъминлаш имконини берувчи шпур тиқинларининг самарали конструкцияси ва унда ишлатиладиган материалнинг самарали тури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

портловчи моддаларнинг шпурли зарядларини портлатишда детонация маҳсулотларини сақлаб туришни таъминловчи полимер материалдан тайёрланган маҳкамловчи тиқин янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

ер ости кон лахимларини ўтишда АБС-пластикдан шпурларга маҳкамловчи тиқинларни қўллаш билан бурғилаб портлатиш ишларини олиб боришнинг ўлчамларини аниқлаб ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган;

детонация маҳсулотларининг чиқиб кетишига тиқиннинг қаршилигини аниқлаш учун электр-гидравлик принципи қўлланилиши ва қурилмасининг лаборатория модели ишлаб чиқилган;

шпурлардан фойдаланиш коэффициентини 8% га ошишини таъминлаб, майдаланиш сифатини яхшилаб, портлатилган кон массаси уюми кенглигини камайишини таъминлаб, горизонтал кон лахимларини ўтишда портлатиш ишларини олиб бориш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** алоҳида чеклаш ҳолатлари учун шпурлардаги детонация маҳсулотлари оқимини вақтини ҳисоблашнинг назарий тадқиқотлари, лаборатория ва саноат тажрибаларининг қониқарли мос келиши, қониқарли яқинлашув ва ишнинг асосий ғоясини миқдорий жиҳатдан тасдиқланиш йўли билан тасдиқланган бўлиб, шпурларнинг фойдали иш коэффициенти қобилятини оширувчи ва тоғ жинсларини майдалаш самарадорлиги натижаларини портловчи моддаларнинг шпурли зарядларини ишлаб чиқилган маҳкамловчи тиқин конструкциясининг тажриба синовлари ижобий натижалари билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер материалдан тайёрланган тиқиндан фойдаланишда узайтирилган вақти белгиланган босимни ўзгаришини математик моделини ишлаб чиқиш, тиқин узунлиги ҳамда шпурдан детонация маҳсулотларининг чиқиб кетишини таъсир этиш вақтини ошириш имконини бериб, тиқинни суриб чиқишини ҳисобга олувчи,



тиқинни сирпаниб ишқаланиш коэффициентини асосланиши ва турли материалли тиқинларни қўллаш билан детонация маҳсулотларини эркин отилиб чиқиш вақти ва портловчи текисликда босимлар орасидаги боғлиқликларни ҳисоблаш учун муҳандислик ҳамда боғлиқлик ўрнатилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти портловчи моддаларнинг шпурли зарядларини портлатишда детонация маҳсулотларини сақлаб туришни таъминловчи полимер материалдан тайёрланган маҳкамловчи тиқин конструкциясини ишлаб чиқишга, ер ости кон лаҳимларини ўтишда АБС-полимердан шпурларга маҳкамловчи тиқинларни қўллаш билан бурғилаб портлатиш ишларининг ўлчамларини аниқлаш ва горизонтал кон лаҳимларини ўтишда портлатиш ишларини олиб бориш усулини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шпурларда сақловчи тиқинни қўллаган ҳолда ер ости кон лаҳимларини ўтиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

портловчи моддаларнинг шпурли зарядларини портлатишда детонация маҳсулотларини сақлаб туришни таъминловчи полимер материалдан тайёрланган маҳкамловчи тиқин янги конструкцияси Зарафшан ДГҚЭ 69-сон штолняда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 2 февралдаги 10-34-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар бир циклда лаҳимларнинг олдинга силжиши 0,05-0,1 п.м. га ошиш, шпурдан фойдаланиш коэффициенти 0,97 га етиш, бир метр лаҳим ўтишдаги шпурлар бурғилашнинг солиштирма сарфи 1,6 метрга ва портловчи моддалар солиштирма сарфи 1,3 кг га камайиш, тоғ жинсларини майдаланиш даражаси сифати яхшилаш, майдаланган тоғ жинслари учинчи масофани қисқартириш ва портлатилган тоғ жинслари массалари ҳажмининг ошиш имконини берган;

горизонтал кон лаҳимларини ўтишда портлатиш ишларини олиб бориш усули Зарафшан ДГҚЭ 69-сон штолняда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 2 февралдаги 10-34-сон маълумотномаси). Натижада, шпурлардан фойдаланиш коэффициенти 8% га ошириш, майдаланиш сифатини яхшилаш ва портлатилган кон массаси уюми кенглигини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотларнинг натижалари 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан Республика нашрларида 1 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шпурларда тикинларни қўллаш билан ер ости кон лахимларини ўтишда бурғилаб-портлатиш ишларини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари**» деб номланган биринчи бобида ер ости кон лахимларини ўтиш жараёнида зарядларнинг тикинлари кон массивига портлаш таъсирининг самарадорлигини оширадиган омил сифатида қаралади.

Тоғ жинсларини портлатиб парчалаш жараёнига портловчи моддаларнинг шпурли зарядларида тикинларнинг аҳамияти ва портлаш таъсирининг қаршилиги ҳамда портловчи моддаларнинг солиштира сарфи бўйича бурғилаб, портлатиш ишларининг параметрларини ҳисоблаш усулларининг таҳлиллари олиб борилган. Портлатиш ишларида кон массивини майдалаш зонасининг радиусини аниқлаш учун ҳисоблаш услублари «Самаркандгеология» АЖга қарашли Зарафшон ДГҚЭ ер ости горизонтал кон лахимларини ўтишда бурғилаб портлатиш ишларини олиб бориш амалиёти ўрганиб чиқилган.

Портлатиш ишларини олиб бориш бўйича кўп йиллик илмий-изланишлар билан тасдиқланган юқоридаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ер ости кон лахимларини ўтишда бурғилаб портлатиш ишларни самарадорлигини оширишда, турли материалли тикинларни қўлланилиши асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шпурлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш учун портловчи моддаларни шпурли зарядларини турли тикинлари ва янги туларини принципно ишлаб чиқиш ва турли қаттиқликдаги тоғ жинсларини портлатиш ёрдамида майдалаш сифати бугунги кунда кон корхоналарининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Кўриб чиқилган услублар портловчи моддаларнинг солиштира сарфини устуворлигини ва бурғилаб портлатиш ишларининг паспортини дастлабки ҳисоблаш орқали кўрсатди.

Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ушбу услублар ҳар доим ҳам қониқарли натижаларни беравермайди. Бунинг асосий сабаблари ҳисоб-китобларни амалга оширувчи мутахассисларнинг малакаси йўқлиги шунингдек, тавсия этилган услублар билан ҳисобга олинмаган ҳолда бошқа

омиллар бўлиши мумкин. Аниқланишича, ҳозирда қўлланилаётган усублар ҳисоблаб чиқилган зарар кўрган зоналари учун бурғилаб портлатиш ишларини паспортларини комплекс тузиш имконини бериб, бу услубнинг камчилиги понали врублардан фойдаланиш ҳисобланади. Шу билан бирга ўзиюрар бурғилаш қурилмалари билан бурғилаш жуда қийин ҳисобланади.

Диссертациянинг «Сақловчи тиқинни қўллаган ҳолда портловчи моддаларнинг детонация махсулотларининг босими таъсирининг ўзгариши қонуни асосида назарий тадқиқотлар» деб номланган иккинчи бобида, ўтказилган тадқиқотлар асосида сақловчи тиқинни қўллаган ҳолда портловчи моддалари детонация махсулотларининг амал қилиш (туғаш) вақтини ҳисоблашнинг математик модели ишлаб чиқилди. Детонация махсулотларининг амал қилиш (туғаш) вақти кўрсаткичларини аниқлаш учун, чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, газ динамикасининг бир ўлчовли ностандарт тенгламалари тизими интеграллашиб олинади.

Кинетик ва потенциал энергия йўқотишлари мавжуд бўлган логранж координаталар тизимидаги газ динамикасининг тегишли тенгламалари, бизнинг ҳолатимизда, яъни полимер материаллардан маҳкамловчи тиқинни қўллаш орқали ишлаб чиқиладиган математик модел учун асосий кўрсаткичлар сифатида  $C_p$ ,  $P$ ,  $L$ ,  $\rho_3$ ,  $d_{uw}$ ,  $d_3$  аниқловчилар қабул қилиниб, шу теоремага кўра  $t_1$  вақтини қўйидаги боғлиқлик кўринишига келтириш мумкин:

$$t_1 = \frac{L}{C_p} F\left(1, 1, 1, \frac{P}{\rho_3 C_p^2}, \frac{\rho}{\rho_3}, \frac{d}{L}, \frac{C}{\rho_3 C_p^2}, \frac{d_3}{L}\right), \quad (1)$$

бу ерда  $L$  – полимер тиқиннинг узунлиги;  $d_3$  – асос қилиб қабул қилинган тиқин диаметри. Кўриб чиқиладиган жараённинг физик моҳияти,  $t_1$  вақтини қабул қилган ҳолда, математик ишлов беришдан кейин (1) боғлиқлик қўйидагича кўринишга эга:

$$t_1 = 3,75 \frac{L \rho_3 C_p}{P} \left(1 + 9,47 \frac{\rho}{\rho_3}\right) \left(1 + 8,43 \cdot 10^{-5} \frac{\rho_3 \cdot C_p^2}{C}\right), \quad (2)$$

Импульс ва энергиянинг сакланиш қонуниятига бўйсунган ҳолда тиқин ҳаракатининг ишқаланиш орқали йўқотилиши, шпурда тўлиқ тиқинларнинг ҳаракати учун:

$$m_3 \frac{dx^2}{dt^2} = SP(1 - \delta), \quad (3)$$

бу ерда  $S$  – шпурнинг юзаси,  $m^2$ ;  $P$  – детонация махсулотлари босими;  $\delta$  – ишқаланиш коэффициенти (ёғоч учун  $\delta=0,45$ ).

Шпурда ишлаб чиқилган тиқиннинг ҳаракати учун:

$$m_3 \frac{dx^2}{dt^2} = SP(1 - \delta_{\text{пм}}), \quad (4)$$

бу ерда  $S$  – шпурнинг юзаси,  $m^2$ ;  $P$  – детонация махсулотлари босими;  $\delta_{\text{пм}}$  – ишлаб чиқилган тиқиннинг ишқаланиш коэффициенти (полимер учун  $\delta=0,44$  га тенг).

Таклиф қилинаётган ишқаланишни инобатга олувчи коэффициент, ишлаб чиқилган тиқиннинг кенгайиш эвазига диаметри катталашиши орқали ҳосил бўлиб у қўйидагича аниқланади:

$$\delta_{\text{пм}} = \delta_{\text{пол}} + \eta_{\text{пм}}, \quad (5)$$

бу ерда  $\delta_{\text{пол}}$  – полимернинг ишқаланиш коэффициенти;  $\eta_{\text{пм}}$  – ишқаланиш коэффициенти оширувчи коэффициент.

Ишқаланиш коэффициентини оширувчи коэффициентини қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$\eta_{\text{пм}} = \frac{d_3 - d}{2l_{\text{кл}}}, \quad (6)$$

бу ерда  $d$  – тикин диаметри (кенгаймаган),  $d=36$  мм;  $d_3$  – тикиннинг кенгайтирилган диаметри (тикин жағларини пона ёрдамида кенгайтирганда);  $l_{\text{кл}}$  – тикин диаметрини кенгайтирувчи пона узунлиги,  $l_{\text{кл}}=10$  см.

$$d_3 = d + (a_n - a), \quad (7)$$

бу ерда  $a$  – тикиннинг ички диаметрига тенг бўлган понанинг уч қисмининг ўлчами;  $a_n$  – понанинг ҳар-ҳил узунликлар бўйича энининг ўлчамлари қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$a_n = a + 2 \cdot l_n \cdot \text{tg} \alpha, \quad (8)$$

бу ерда  $a$  – кенгайтирувчи пона учининг ўлчами  $a=10$  мм;  $l_n$  – кенгайтирувчи понанинг ҳар-ҳил баландлиги бўйича узунлиги;  $\alpha$  – кенгайтирувчи бурчак  $\alpha=5,71^\circ$ .

Тавсия этилган (3) ва (4) тенгламалар дастлабки шартлар бўлиб, қуйидаги шаклда ифодаланиши мумкин:

$$x = \frac{S(1 - \delta_{\text{пм}})P\tau^2}{m_3}, \text{ М}; \quad (9)$$

Худди шу бошланғич шартни қаноатлантирувчи (9) тенглама асосида тикиннинг шпурдаги ҳаракатланиш вақти қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$t_2 = \sqrt{\frac{vL}{\delta_{\text{пм}}P}} \ln |\varphi(x) + \sqrt{\varphi^2(x) + \varphi(x) + 1}|, \text{ с}; \quad (10)$$

$$\varphi(x) = \frac{\delta_{\text{пм}} \cdot x}{1 - \delta_{\text{пм}} \cdot L};$$

бу ерда  $v$  – тикиннинг солиштирма оғирлиги,  $\text{кг/м}^3$ ;  $\delta_{\text{пм}}$  – полимер учун ишқаланиш коэффициенти.

Босимнинг ўзгариши билан шпурда детонация маҳсулотларини кенгайтишини қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P = P_1 \left\{ \frac{L_{\text{шп}} - 1}{L_{\text{шп}} - 1 + x} \right\}^\gamma, \quad (11)$$

бу ерда  $P_1$  – тикиннинг ҳаракатидан кейин аниқланган босими;  $\gamma$  – детонация маҳсулотларининг изоэнтроп кўрсаткичи.

Газ оқимининг  $\chi$  номуносивиб меъзонлари:

$$\chi = \frac{\Delta P \cdot \Delta t}{\rho_1(r_L + \Delta r_L) |\Delta U|}, \quad (12)$$

бу ерда  $\Delta U = \frac{1}{\gamma} \sum_{L=1}^n \dot{\rho}_L (U_L - U_{L-1}) \Delta r_1$ ;  $U = \sum_{L=1}^n \dot{\rho}_L \Delta r_L$ ;  $r_L$  – Эйлер координатасининг жорий қиймати,  $y$  га мос келадиган вақт қатлами, м;  $\Delta r_L$  – координаталар орттирмаси  $\Delta t = t^y - t^{y-1}$  ораликдаги, м;  $\dot{\rho}_L$  – газ аралашмасининг ўртача зичлиги кўрсаткичи,  $r_L$  координатаси кесими ва шпурнинг туб қисми ўртасида ҳосил бўлган,  $\text{кг/м}^3$ ;  $U$  – газ миқдорининг солиштирма оғирлиги,  $\text{кг/м}^3$ га тенг.

Шпур кўндаланг кесими юзасида ПМ зарядлари портлашидан чиққан детонация маҳсулотларининг амал қилиш вақти билан муносабати  $\alpha$ ,  $n$  ва портлаш вақти  $t_0$  нинг ўлчамсиз катталикларига боғлиқ бўлиб,  $y$  қуйидаги кўринишга эга:


$$t_3 = t_0 \left\{ 1.17\alpha \cdot \bar{n} \left[ 1 + \frac{0.2}{\alpha-1} \right] + 33.36\alpha^2 - 60.08\alpha + 26.72 \right\} + \frac{L_{\text{шп}} - \check{x}}{c}, \quad (13)$$

бу ерда  $\check{x}$  – шпур бош қисми билан аниқланаётган юза орасидаги масофа, м;  $N$  – репер нуқталари сони;  $L_{\text{шп}}$  – шпур узунлиги, м;  $c$  – детонация маҳсулотларидаги товуш тезлиги, м/с;  $n=1 \div N$ ;  $n=n/N$ ;  $1 < \alpha \leq 2$ .

Бу ҳолда детонация маҳсулотлари босимининг ўзгаришлари қуйидаги қонунга бўйсинади:

$$P = \frac{P}{\alpha^n}, \text{ Па.} \quad (14)$$

Ишлаб чиқилган математик моделга асосланган ҳолда, детонация маҳсулотларининг амал қилиш вақти таклиф қилинган тиқиндан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган ва турли хил тиқинлар учун ишқаланиш коэффициентларидан детонация маҳсулотларининг амал қилиш вақти ўртасидаги муносабатларнинг гистограммаси олинган (1-расм).





**1-расм. Турли хил тиқинлар учун ишқаланиш коэффициенти билан детонация маҳсулотларининг амал қилиш вақти орасидаги муносабатлари гистограммаси**

Б.Н. Кутузов ва А.П. Андриевскийларнинг методикасига таянган ҳолда, бурғилаш портлатиш ишлари параметрларини ҳисоблашни янгиланган модели таклиф этилди.

Эзилиш ва дарзликлар чегараси радиусини аниқлаш учун ишлаб чиқилган тиқиннинг қаршилигини инобатга олувчи, лаборатория тадқиқотлари орқали аниқлик киритилиб,  $K_{\text{заб}}=1,18$  коэффициентни ҳисобга олиб, бурғилаш портлатиш ишлари кўрсаткичларини ҳисоблаш учун назарий асосланган тақомиллаштирилган методика ишлаб чиқилди.




Ҳисоблаш методикаси орқали зарба тўлқинлари ва заряд яқинида портлаш маҳсулотларини ҳисобга олган ҳолда, киритилган  $K_{\text{заб}}$  коэффициентни қўллаб, олинган қийматлар натижалари асосида олинган графиклар 2-расмда келтирилган.

Шунингдек, методикага таянган ҳолда радиал йўналишда юзага келган сиқилишларни ва  $K_{\text{заб}}$  коэффициентидан фойдаланиб, тангенциал чўзилишларни инобатга олиб, ҳисобланган қийматлар натижалари орқали олинган боғлиқликлар 3-расмда келтирилган.



а) тоғ жинсларнинг мустаҳкамлик коэффициенти (f) таъсири;  
 б) портловчи моддаларнинг детонация тезлигини (D, м/с) таъсири;  
 в) портлавчи моддаларнинг шпурлардаги зарядлаш зичлигининг (ρ, кг/м<sup>3</sup>) таъсири

**2-расм. Киритилган коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, эзилиш радиуси чегараси катталикларига таъсири боғлиқлиги**






а – тоғ жинсларнинг бир ўқ бўйлаб, мустаҳкамлик чегарасининг (σ<sub>сж</sub>, МПа) ўзгариши;  
 б – ПМ детонация тезлигининг (D, м/с) ўзгариши;  
 в – ПМнинг шпурда зарядлаш зичлиги (ρ, кг/м<sup>3</sup>) ўзгариши

**3-расм. Киритилган коэффициенти ҳисобга олган ҳолда, дарзлик радиуси чегараси катталикларига таъсири боғлиқлиги**


Шпурли зарядларнинг портлашида, амалда қисқа секинлашувлар билан портлатилганда қўшни зарядларнинг шикастланиши ва шпурларнинг яқин жойлашганлиги учун «стакан» деб изоҳланиб, тўлиқ бўлмаган портлашлар содир бўлади. Бу ҳодисаларни бартараф этиш учун ўювчи шпурларни тўғри жойлаштириб қўлланилган ҳисоблаш усули таклиф этилади.

Ўювчи шпурларни тузиш методикасидан фойдаланган ҳолда, ҳисобланган маълумотларга асосланиб, тоғ жинслари қайшқоқлиги ўзгариши, эзилиш чегараси радиуси, кон лахимининг кўндаланг кесими юзаси ўзгаришга боғлиқ бўлган графиклар орқали олинган 4-расм ва тоғ жинсларининг қаттиқлигига боғлиқ бўлган ўювчи шпурлар сонини аниқлаш учун номограммалар яратилди (5-расм).



а—тоғ жинслари қайшқоқлиги ( $\kappa_v$ ), ўзгариши;  
 б—эзилиш радиуси чегараси ( $R_{cm}$ , м), ўзгариши;  
 в—кон лахимининг кўндаланг кесими юзаси ( $S$ , м<sup>2</sup>) ўзгариши

**4-расм. Детонация маҳсулотларининг чиқиб кетиш вақтини сақловчи тиқин қаршилигига боғлиқ равишда ҳосил бўлган дарзликлар чегарасини ўлчами бўйича омилларни ҳисоблашда, эътиборга олинган ўзгаришлар графиклари**




**5-расм. Тоғ жинсларининг қаттиқлигига боғлиқ бўлган ўювчи шпурлар сонини аниқлаш учун номограмма**

«Сақловчи тиқин конструкциясини АБС-пластиги асосида ишлаб чиқиш» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида бугунги кунда зарбага чидамли термопластик ва яхши механик хусусиятларга эга бўлган, шунингдек, арзон нархлардаги ва узоқ чидайдиған энг машҳур АБС маркали полимердан сақловчи тиқиннинг материалини танлаш асосланган.

Шпурнинг фойдали иш коэффициенти кўпайтириш мақсадида, ПМлар зарядлари портлатилганда, шпурлардаги детонация маҳсулотларини тарқалишига қаршилиқ қилувчи ва тоғ жинсларнинг майдаланиш сифатини оширувчи материал танланиб сақловчи тиқин конструкцияси ишлаб чиқилган (6-расм).

Сақловчи тиқин хусусиятлари ва афзалликлари қуйидагилардан иборат бўлиб, патронланган, эмульсияли ва гранулали ПМлар билан зарядланган шпурларни тезда 5-10 секундда тиқинлашда қўлланилиши, намга ва сувга чидамлилиги, енгиллиги 75 ( $\pm 2$ ) гр., полимер материалларнинг арзонлигидир. Тиқин конструкциясини шпурга жойлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширалади. Маҳкамловчи мослама 3 портловчи моддага йўналтирилади ва

пона 8 эса шпурнинг оғзига қараб йўналтирилади. Конструкция цилиндрсимон очилувчи жағли маҳкамловчи мослама ва кенгайтирувчи понадан иборат.




1 – кенгайтирувчи тикинни кенгайтирувчи пона билан бирлаштирувчи тишлар; 2 – калит билан кенгайтирувчи понани бирлаштирувчи тишлар; 3 – маҳкамловчи мослама; 4 – маҳкамловчи мосламани мустаҳкамлаштирувчи қовурғалар; 5 – ариқча (волновод ва СИНВ ўтувчи); 6 – маҳкамловчи мосламани кенгайтирувчи пона билан бирлаштирувчи тишлар; 7 – тикин билан забойникнинг мужассамлаштирилганлиги; 8 – кенгайтирувчи пона

**6-расм. Ишлаб чиқилган сақловчи тикин конструкциясининг схемаси**

Маҳкамловчи мослама 3 нинг ташқи қисмида электр ўтказгичлар ёки ноэлектрик қўзғатувчи воситаларни (СИНВ) ўтказиш учун ариқча 5 ҳосил қилинган. Кенгайтирувчи пона (8) дан ён (1) ва биқин (2) тишлар ҳосил қилинган. Маҳкамловчи мослама (3) билан кенгайтирувчи пона (8) ни маҳкамлаш учун понанинг ён (1) тишлари ва маҳкамловчи мослама (3) нинг очилувчи жағларидаги, яъни унинг ички диаметри бўйлаб ҳосил қилинган тишлар (6) билан жипслаштириш орқали амалга оширилади.

Маҳкамловчи мослама (3) нинг ташқи қисмидан уни мустаҳкамлигини, шунингдек, шпурнинг деворлари билан тирмашиш ва ишқаланиш коэффициентини ошириш учун қовурғалар ҳосил қилинади. Ишлаб чиқилган конструкция портлаш энергиясига қаршилик кўрсатиш, техник натижалари эса, ер ости кон лахмларини ўтиш ва шпурдан фойдаланиш коэффициенти самарадорлигини ошириш қобилиятига эгадир.

Портлатиш ишларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш учун портловчи модда зарядлари портламай қолганда ёки портловчи тармоқнинг шикастланиши ҳолатларида, тикинни чиқариб олиш (демонтаж) имкониятиларига эга бўлган тикинни чиқариб олиш схемаси 7-расмда кўрсатилган. Тикинни чиқариб олиш учун махсус тикувчи мослама 1 дан ҳосил қилинган калит тишлари билан, шпурда маҳкамланган тикин конструкцияси 3 даги кенгайтирувчи пона 2 тишлари билан бириктирилади ва махсус тикувчи мослама  $75^{\circ}$  га бурилиб, тикин шпурдан чиқариб олинади.





1 – тикинни махсус тикувчи мослама;  
2 – кенгайтирувчи пона;  
3 – тикин конструкцияси

**7-расм. Кутилмаган вазиятларда тезда тикинни шпурдан чиқариб олиш схемаси**

Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш учун электро-гидравлик эффектига асосланган ҳолда, ишлаб чиқилган тикиннинг қаршилигини шпурли зарядларни портлаши натижасида детонация маҳсулотлари ҳаракатларини тақлид қилувчи тажриба модели ишлаб чиқилди (8-расм).






а—ишлаб  
чиқилган  
кенгаювчи  
тиқин орқали;  
б—ёғоч тиқин  
орқали;  
в—ТИҚИНСИЗ

## 8-расм. Шпурли зарядларда турли тиқинлар билан қўлланилгандаги электрогидравлик ускунасининг ишлаб чиқилган тажриба модели


Ички диаметри 40мм узунлиги 1м га тенг, цилиндрсимон шаклдаги сув билан тўлдирилган полимердан ишланган қувурда шпурдаги заряднинг портлаши, ўрнатилган тиқин ва унинг тубига Пьезо-М-35т-2.6b1, d=34мм маркали пьезоэлементи билан электрогидравлик таъсирдан келиб чиқадиган, босим таъсирини электр кучланишлар орқали аниқлаш учун Л.А. Юткиннинг электрогидравлик разряд усулига таянган ҳолда моделлаштирилди.

Пьезоэлементдан олинган кучланиш RTO2044 маркали осциллографда қайд этилди. Тиқинсиз, узунлиги 0,13 м бўлган ёғоч тиқин ва АБС-полимеридан ишлаб чиқилган кенгаювчи тиқин қўлланилган.


Турли тиқинлар учун бир қатор тадқиқотлар ўтказилиб, олинган тадқиқотлар натижалари 9 (а,б,в)-расм ва 1-жадвалда ўз аксини топган. Олинган осциллограммалардан кўриниб турибдики, АБС-полимеридан тайёрланган кенгаювчи тиқиндан фойдаланилганда, электр кучланиш кўринишидаги босимга чидамлилиқнинг юқори кўрсаткичларига эришилди.



б)



в)



а-кенгаювчи тиқин  
орқали;  
б-ёғоч тиқин орқали;  
в-ТИҚИНСИЗ

## 9-расм. Ҳар-хил турдаги тиқинлардан фойдаланган ҳолда кучланиш осцеллограмманинг тажрибалардан олинган маълумотлари

Зарядлаш усули қуйидагича бўлиб, портлатувчи воситаларни ва портловчи моддалар зарядларини шпурга жойлаштирилиб забойник билан ишлаб чиқилган тиқинни шпурга юборилади. Кенгаювчи тиқин ПМга теккандан кейин, шпур деворларига тиралиб кенгайиб қисилиб, сўнгра портловчи тармоқ ўрнатилади. Ер ости кон лахимларини ўтишда, бурғилаш портлатиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган, ишлаб чиқилган


тиқин ва таклиф қилинган методикани қўллаган ҳолда уларнинг самарадорлигини синаш учун тажриба синовлари ўтказилди.

1-жадвал

Тажриба синовлари сони	Тиқинсиз, вольт	Ёғоч тиқин, вольт	Ишлаб чиқилган тиқин, вольт
1	1,10	6,9	8,4
2	1,02	7,1	8,3
3	1,08	7,1	8,5
ўртачаси	1,1	7,1	8,4

Ҳар-хил турдаги тиқинлар қўлланилгандаги тажриба натижаларини таққослаш асосида ва ҳисоблашлар орқали детонация маҳсулотлари ҳаракатига қаршилигини инобатга олувчи коэффициентини  $K_{заб}=1,18$  ўрнатилди.

**«Саноат тадқиқотлари, ишлаб чиқилган сақловчи тиқин конструкциясини қўллаш техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва уни амалда тадбиқ қилиш»** деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида ПМ шпурли зарядларини конструкцияси ва сақловчи тиқинни қўллаш орқали бурғилаш портлатиш ишларини олиб бориш усули ишлаб чиқилди (10-расм).



1 – забойник; 2 – волновод;  
3 – кенгайтирувчи пона; 4 – маҳкамловчи мослама; 5 – жангари патрон; 6 – портловчи модда; 7 – калит

**10-расм. Сақловчи тиқин билан тиқинланган шпурли заряднинг тузилиши**

Таклиф қилинган тиқин ва бурғилаб портлатиш ишлари кўрсаткичлари методикаси синовлари «Самарқандгеология» АЖга тегишли Зарафшон ДГҚЭ сининг 69-сонли штольнясида ўтказилди. Тажриба синовлари давомида портлаш ишлари натижаларининг барча сифат кўрсаткичлари баҳоланди.

Саноат синовлари натижалари, ишлаб чиқилган тиқин конструкцияси билан портлатиш ишларини олиб бориш усулини жорий қилиш ва олинган маълумотларнинг ҳисоб-китоблари куйидагиларни кўрсатди. Ҳар бир циклда лахимларнинг олдинга силжиши 0,05-0,1 п.м. дан ошгани, шунга кўра, ўювчи шпурларда ва барча шпурларда қўлланилганда, шпурдан фойдаланиш коэффициенти 0,97 га етди, бир метр лахим ўтишдаги шпурлар бурғулашнинг солиштирма сарфи 1,6 метрга ҳамда портловчи моддалар солиштирма сарфи эса 1,3 кг га камайди, тоғ жинсларини майдаланиш даражаси сифати яхшиланди.

Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда горизонтал кон лахимларни ўтиш ва қурилишидаги ягона нархларга ва тегишли давлат элементи сметаси меъёрларига нисбатан белгиланган харажатларга асосан амалга оширилди.

Амалдаги ва ишлаб чиқилган усул паспортлари бўйича шпурларни бурғулаш, зарядлаш, шунингдек, тоғ жинсларини майдалаб қазиб олиш харажатлари бўйича синов натижаларининг ҳисоб-китоблари 1 метр лаҳим ўтишда эришилган иқтисодий жиҳатдан самарадорлилигини кўрсатиб у махсус тиқинни ўювчи шпурларга қўллаганда 32057 (ўттиз икки минг эллик етти) сўмни ва барча шпурларда қўллаганда эса 36202 (ўттиз олти минг икки юз икки) сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСА

«Шпурларда сақловчи тиқинни қўллаган ҳолда ер ости кон лаҳимларини ўтиш самарадорлигини оширишни илмий асослаш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Портлатиш ишларини олиб боришнинг кўп йиллик амалиёти билан тасдиқланган юқоридаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тиқинларни қўллаш бурғилаш портлатиш ишларини такомиллаштиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши, шунингдек, шпурли зарядлар учун янги турдаги тиқинларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаб бурғилаш портлатиш ишларини ҳисоблаш методикасини яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

2. «Самарқандгеология» АЖга тегишли Зарафшон ДГҚЭ бурғилаш портлатиш ишларини паспортлари таҳлили шуни кўрсатдики, шпурнинг фойдали иш коэффиценти портлаш сифатининг асосий мезонларидан бири бўлиб ўртача 0,89-0,90 га тенг, бу эса портлашнинг яхши кўрсаткичидан биридир лекин, эришилган натижаларга қарамай, шпурнинг фойдали иш коэффицентини оширувчи заҳира омиллар ҳам мавжудлиги аниқланади.

3. Ишлаб чиқилган математик моделни қўллаб ҳисоб-китоблар асосида ҳисоблашлар амалга оширилди. Детонация маҳсулотларини тиқиннинг ишқаланиш коэффиценти билан  $t_1$ -тиқинни ҳаракатсиз ҳолдан чиқариш вақти,  $t_2$ -тиқинни шпур бўйлаб, ҳаракати вақти ва  $t_3$ -детонация маҳсулотларини эркин ҳаракатланиш вақтига боғлиқ ҳолдаги натижалари олинади.

4. Ишлаб чиқилган тиқиннинг узунлиги ва тиқиннинг пона ёрдамида кенгайишини ҳисобга олган ҳолда, ишқаланиш коэффицентининг ошиши ҳисоб-китоблар асосида исботланди, бу эса портлаш кучини ҳосил қилади ва детонация маҳсулотларини шпурдан чиқиб кетиш вақтини узайтиради.

5. Полимер маҳсулотларидан ишлаб чиқилган тиқин конструкцияси қаршилигини, тоғ жинсларининг қаттиқлигини, мустаҳкамлигини, қайишқоқлигини, портловчи моддаларнинг детонация тезлигини ва зарядлаш зичлигини инобатга олувчи бошқариладиган майдалаш зоналари асосида бурғилаш портлатиш ишлари параметрларини ҳисоблаш методикаси асосланади.

6. Шпурлар учун тиқиннинг рационал материали ва оптимал конструкцияси ўрнатилди, бу эса зарядларнинг портлаши пайтида детонация

махсулотлари таъсир самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Зарядлар атрофида кучланиш майдонларининг шаклланишини ва портлашнинг ҳаракати таъсири максимал қувватини таъминланади.

7. Электрогидравлик таъсирдан келиб чиқадиган босимга ишлаб чиқилган тиқиннинг қаршилигини аниқлаш учун электрогидравлик ускунасининг лаборатория модели ишлаб чиқилди. АБС - пластикдан ясалган тиқиндан фойдаланниладиганда олинган осциллограммалардан кўришибдики, электр кучланишли кўринишидаги босимга турли тиқинларни қўллаганда, ишлаб чиқилган тиқиннинг қаршилиқ қилиши юқори кўрсаткичига эришилди. Шундан кейин ҳисоблашлар асосида детонация маҳсулотларининг чиқиб кетишига ишлаб чиқилган тиқиннинг қаршилигини ҳисобга олувчи коэффицент  $K_{заб} = 1,18$  ўрнатилади.

8. Мавжуд методикалар асосида «Ер ости кон лахимларини ўтишда АБС - пластикдан ясалган шпурларда тиқин конструкциясини қўллаган ҳолда бурғилаш портлатиш ишлари параметрларини аниқлаш методикаси» такомиллаштирилиб, фойдаланишга таклиф этилди. Бу методикани қўлланилиши орқали портловчи моддаларнинг солиштирма сарфи ва бурғулаш ишлари ҳажми камайтирилиб, шпурнинг фойдали иш коэффицентини 0,8% га тоғ жинсларини майдаланиш сифатини оширишга эришилади.

9. «Самарқандгеология» АЖга тегишли Зарафшон ДГКЭ №69 штольняси шароитида маҳкамловчи тиқинни қўллаган ҳолда тўғри бурғиланган шпурлардан фойдаланиш энг самарали эканлиги исботланган. Ўювчи шпурларнинг оптимал сони тоғ жинсларининг кон-геологик, кон-техник хусусиятларига, шпурларнинг диаметрига ва бошқа омилларга қараб белгиланади.

10. Саноат синовлари натижалари, ишлаб чиқилган тиқин конструкцияси билан портлатиш ишларини олиб бориш усулини жорий қилиш ва олинган маълумотларнинг ҳисоб-китоблари шуни кўрсатдики, ҳар бир циклда лахимларнинг олдинга силжиши 0,05-0,1 п.м. дан ошгани шунга кўра, тиқин ўювчи шпурларда ва барча шпурларда қўлланиладиганда, шпурдан фойдаланиш коэффицентини 0,97 га етганини, бир метр лахим ўтишдаги шпурлар бурғилашнинг солиштирма сарфи 1,6 метрга ва портловчи моддалар солиштирма сарфи 1,3 кг га камайтганини, тоғ жинсларини майдаланиш даражаси сифати яхшиланишини, майдаланган тоғ жинслари учир масофаси қисқариши ва портлатилган тоғ жинслари массалари ҳажмининг ошишини кўрсатади. Амалдаги ва ишлаб чиқилган усул паспортлари бўйича шпурларни бурғулаш, зарядлаш, шунингдек, тоғ жинсларини майдалаб қазиб олиш харажатлари бўйича синов натижаларининг ҳисоб-китоблари 1 метр лахим ўтишда эришилган иқтисодий жихатдан самарадорлигини кўрсатиб, у маҳсус тиқинни ўювчи шпурларга қўллаганда 32057 (ўттиз икки минг эллик етти) сўмни ва барча шпурларда қўллаганда эса 36202 (ўттиз олти минг икки юз икки) сўмни ташкил этишга эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ**

**ГИЯЗОВ ОТАБЕК МУХИТДИНОВИЧ**

**НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ  
ПРОХОДКИ ПОДЗЕМНЫХ ГОРНЫХ ВЫРАБОТОК ПУТЕМ  
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗАПИРАЮЩЕЙ ЗАБОЙКИ В ШПУРАХ**

**04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2021.3.PhD/Т2364.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.ndki.uz](http://www.ndki.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Мислибаев Илхом Туйчибаевич  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Аликулов Шухрат Шарофович  
доктор технических наук, доцент

Хасанов Обид Абдуллаевич  
доктор философии (PhD) по техническим наукам

**Ведущая организация:** филиал Национального исследовательского  
технологического университета «МИСиС» в г. Алмалык

Защита диссертации состоится 12 марта 2022 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.17/04.06.2021.Т.06.02. (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz), [nsmi@gmail.com](mailto:nsmi@gmail.com)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №85). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 25 февраля 2022 г.


(реестр протокола рассылки №42 от 25 февраля 2022 г.).



  
**Б.Р. Раимжанов**

И.о. председателя научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

  
**Ш.Ш. Заïров**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

  
**Н.А. Абдуазизов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире большая часть работ на угольных и рудных месторождениях выполняются буровзрывными работами. В практике ведения горных работ практически единственным методом дробления горных пород является метод шпурового и скважинного зарядов, которому следует уделять особое внимание для повышения эффективности ведения взрывных работ. При ведении взрывных работ применение забойки является фактором, обуславливающим условие и эффективность действия взрыва. В результате важное значение приобретает выбор материала и установление рациональных параметров забойки, зависящих от коэффициента использования шпура (КИШ), развала горных пород, равномерности фрагментации, количества вредных газов и пыли, выделяющихся в атмосферу подземных горных выработок.

На сегодняшний день во всём мире ведутся теоретические, экспериментальные и практические исследования взрывных процессов, основанных на физике энергии взрыва, разрушающей горную массу, изучается сопротивление забойки из полимерных материалов при взрывании зарядов взрывчатых веществ (ВВ), разрабатываются методики расчёта параметров БВР с учетом материала забойки, зон разрушения породного массива и зон регулируемого дробления с забойкой из полимерных материалов, а также разрабатываются конструкции забойки зарядов ВВ и способы ведения взрывных работ. В связи с этим, необходимо дальше вникать и учитывать особенности данного процесса, правильно проектировать массовый взрыв, достигать необходимый эффект от его выполнения, учитывать связь взрываемого массива с механизмом действия взрыва, а также статического давления продуктов детонации с воздействием ударной и ударно-воздушной волн на разрушаемый горный массив.

